

International scientific and practical online conference

INTEGRATION INTO THE WORLD AND CONNECTION OF SCIENCES

Международная научно практическая online-конференция

ИНТЕГРАЦИЯ В МИР И СВЯЗЬ НАУК

Beynəlxalq elmi və praktik internet konfransi

DÜNYAYA İNTEQRASIYA VƏ ELMLƏR ARASI ƏLAQƏ

2022

 Baku, Azerbaijan Republic



Conference proceedings available
at virtualconference.press

CONTENTS

LITERATURE

Asadov M – The motif of “Loneliness” in the work “the stranger”.....3

MEDICINE

Эрматов Н, Абдулхаков И. – Қанди диабет билан хасталанган пациентларнинг кунлик овқатланиши рационада меваларнинг тутган ўрни ва ахамияти.....8

Насирдинов М., Эрматов Н. – Темир танқислик камқонлик касаллиги билан хасталанган мактаб ўқувчиларининг кунлик рацион таркибида сут маҳсулотларининг таъминланган даражасини таҳлили.....12

Сагдуллаева М., Эрматов Н, Бобомуродов Т - Муддатида ўтиб туфилган болалар оналари орасида касалланишнинг гигиеник таҳлили.....15

Эрматов Н, Насирдинов М. - Темир танқислик камқонлиги билан хасталанган мактаб ўқувчиларининг қиш фаслида овқатланишини гигиеник таҳлили.....18

Эрматов Н, Насирдинов М - Фарғона вилояти мактаб ўқувчиларининг кунлик овқатланиш тартибини гигиеник таҳлили.....22

Садикова М.А. - Использование ларингеальной маски анестезиологическое обеспечение пациента с тяжелой шейно-грудинной рубцовой контрактурой...25

PEDAGOGY

Shamshiyeva S.A., Noraliyeva M.A. - Oilaviy nodavlat maktabgacha ta’lim tashkilotlarida ta’lim-tarbiya jarayonini tashkil etishda rivojlanish markazlarining ahamiyati.....33

Yarashova N. J. Bolalarning lingvokognitiv taraqqiyotida o‘yinlarning ahamiyati..37

PHILOLOGY

Xudayberdiyeva O. - O‘zbek tilshunosligida gender tadqiqotlar.....43

PHILOSOPHY

Boltaev F.F. - Philosophical analysis of the problem of the origin of language.....46

GENERAL SCIENCE

Тахирова И. О переводе английской фразеологии на русский язык.....50

Kamalova D.K. Role of interpersonal skills in teaching English.....53

Abdumuminova O.A. Professional competence of primary education teacher as a condition for effective implementation of continuity between primary and basic school.....58

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КУНЛИК ОВҚАТЛАНИШ ТАРТИБИНИ ГИГИЕНИК ТАҲЛИЛИ

Низом Эрматов

nizom.ermatov@tma.uz+99890917-18-70

Тошкент тиббиёт академияси, Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси мудир, профессор

МАВЛОНЖОН НАСИРДИНОВ,

nasridinovmavlonjonfjsti@gmail.ru.+998912854503

Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти танияч докторанти

Резюме.

Фарғона вилоятининг қишлоқ шароитида истиқомат қилаётган мактаб ўқувчиларининг йил давомида кунлик истеъмол қилаётган овқатланиш тартибини гигиеник баҳолашда 784 нафарни мактаб ўқувчиларидан 481(61,3%) нафари ўғил ва 303(38,7%) нафари қиз болалар ташкил қилган. Мактаб ўқувчиларнинг кун давомидаги овқатланиш рациона таркибидаги асосий озиқ-овқат маҳсулотлари Сан НваҚ 0017-2022 асосида солиштирилди. Мактаб ўқувчиларининг йил давомида кунлик овқатланиш тартибининг гигиеник таҳлил шуни кўрсатадики, кун давомида ноннинг истеъмол даражаси 123,3-156,6%ни, туз 200-260%ни, қандолат маҳсулотлари 250-350%га, шакарнинг истеъмол эса 110,0-120%га ортиқча истеъмол қилинган, шунингдек, мева, сабзавот, сут, балиқ ва гўшт маҳсулотлари, ёрмаларнинг миқдори кескин камайтирилган. Мактаб ўқувчиларининг йил давомида мутлоқ овқатланиш тартибининг гигиеник талабларга мос келмайди ва овқатланиш билан боғлиқ касалликлар сонини кескин ортишга шароит яратади.

Калит сўзлар, мактаб ўқувчилари, овқатланиш тартиби, озиқ-овқат маҳсулотлари

Муаммонинг долзарблиги ва зарурияти. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида сўнгги йилларда овқатланишнинг сифатининг бузилиши тенденцияси қайд этилмоқда, бу борада ҳайвон ёғлари истеъмолининг ортиши, ҳайвон оксиллари, витаминлар, макро ва микро элементлар истеъмолининг камайиши, рафинирланган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмолининг ортиши, сабзавот ва хўл мевалар истеъмоли камайиши соғлом

овқатланиш талабларни пасайиши ва турли касалликларнинг ривожланишга олиб келади.

Мамлакатимизда аҳолининг турли қатламларининг, шунингдек, мактаб, ўқувчиларнинг саломатлик ҳолатини тиклаш, мактабдаги самарали ишлаш қобилиятини таъминлаш, ўқувчилар орасида овқатланиш билан боғлиқ касалликларни олдини олиш, нутриентив статусининг бузилиши натижасида юзага келадиган темир танқислик камқонлик касаллиги, йод танқислик ҳолати касалликлари ҳамда нутриентив статусининг бузилишга боғлиқлиги қатор илмий нашрларда ўз аксини топишига қарамасдан, мамлакатимиз аҳолиси орасида камқонликни даволаш энг самарали усулларини танлаш ва олдини олишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан биридир.

Тадқиқотнинг мақсади. Мактаб ўқувчиларининг кунлик овқатланишни гигиеник таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг материал ва усуллари: Тадқиқотга назорат остига олинган мактаб ўқувчиларнинг умумий сони 784 нафарни ташкил қилиб, улардан 481(61,3%) нафари ўғил болалар ва 303 (38,7%) нафари қиз болаларни ташкил қилди. Мақсадни амалга ошириш учун Фарғона вилоятининг қишлоқ шароитида истиқомат қилаётган мактаб ўқувчиларининг йил фаслларида кунлик истеъмол қилаётган овқатланиш тартибини гигиеник баҳоладик.

Мактаб ўқувчиларнинг кун давомидаги овқатланиш рационини таркибидаги асосий озиқа маҳсулотлари Сан НваҚ 0017-2022 асосида солиштирилди.

Олинган натижаларнинг статистик таҳлили «Pentium-IV» процессори асосидаги шахсий компьютернинг амалий дастурий пакети Excel ёрдамида анъанавий вариацион статистика усуллари ёрдамида ўтказилди.

Олинган натижалар таҳлили. Мактаб ўқувчиларининг йил давомида кунлик овқатланиш тартибининг гигиеник таҳлил шуни кўрсатадики, белгиланган меъёрий хужжатлардаги кўрсатилган 44 та маҳсулотдан ўқувчилари жавдар нонини қисман истеъмол қилган бўлса, улар кўшимча равишда асал ва маргарин турли рангли бўёқли ичимликларни истеъмол қилишган. Белгиланган маҳсулотларнинг гигиеник таҳлилидан кўриниб

турибдики, ноннинг истеъмол даражаси 123,3-156,6%ни, тузнинг истеъмол даражаси 200-260%ни, қандолат маҳсулотлари 250-350%га, шакарнинг истеъмол эса 110,0-120%га ортиқча истеъмол қилинган бўлса, турли мевалар, сабзовотлари, сут, балиқ ва гўшт маҳсулотларнинг миқдори кескин камайтирилган. Гўшт маҳсулотларидан қуён гўшти умуман истеъмол қилинмаган. Аксарият ўқувчилар парранда гўшти истеъмол қилишганлиги аниқланди. Мактаб ўқувчилари учун белгиланган ёрмаларнинг миқдолри кескин камайтирилган. Мактаб ўқувчиларнинг кунлик рационининг тарикби маргарин билан бойитилган қандолат маҳсулотларидан ташкил топган.

Мактаб ўқувчиларнинг йил давомида мутлоқ овқатланиш тартибининг таҳлилидан кўриниб турибдики, уларнинг овқатланиш тартиби гигиеник талабларга мос келмайди. Ушбу ҳолатда ўқувчиларнинг овқатланиш тартибида асосан оқсилларнинг, яъни, ҳайвон оқсил ва ёғларнинг камайиши билан биргаликда, туз, қандолат, нон ва макарон, ўсимлик мойлари миқдорининг кескин ортишга олиб келган. Бу эса ўз навбатида оқсил, ёғ ва карбонсувлар нисбатининг мутоносиблигига олиб келади.

Таъкидлашимиз жоизки, мактаб ўқувчилари орасида тартибсиз овқатланиш тартиби, уларнинг кунлик рацион таркибининг ўзгариши ва овқатланиш билан боғлиқ касалликлар сонининг кескин ортиши ва улар орасида ишлаш қобилиятининг пасайиши, ортиқча тана вазни ва иммун тизимининг пасайишига шароит яратади. Бу борада тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.